Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

2016-yil 9-iyul, shanba
№ 81 (3742)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Эътибор

**Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бунинг учун зарур шароитлар яратиш, ёш тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилаётган доимий эътибор юксак самаралар бермоқда.**





Хотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар.

## Ёш тадбиркор — юртга мададкор

Наманганда ўтказилган «Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришнинг долзарб масалалари» II республика ёш тадбиркорлар бизнес форумининг вилоят босқичида бу алоҳида таъкидланди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган форумда ёш тадбиркорлар, давлат ва жамоат ташкилотлари, банклар ҳамда бизнес юритишга кўмаклашувчи ҳамкор муассасалар вакиллари иштирок этди.

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида олиб борилаётган ишлар ёш тадбиркорлар сафининг кенгайишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ёшларда ишбилармонлик кўникмасини шакллантириш, уларнинг бизнес ғояларини, интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш мақсадида ташкил этилаётган форумнинг вилоят босқичида 120 нафар ёш бу борадаги истеъдод ва имкониятини синовдан ўтказди.

Форумда мамлакатимизда тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш, айниқса, ёшлар тадбиркорлигини рағбатлантиришга қаратилаётган доимий эътибор ва истиқболдаги вазифалар, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг долзарб масалалари, давлат органлари билан ҳамкорлик, лойиҳалар самарадорлигини янада ошириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

— Орамизда ўзининг истиқболли режалари билан жамият тараққиётига ҳисса қўшиш истагида бўлган ёшлар кўп, — дейди Чортоқ туманидаги «Заржило» оилавий корхонаси раҳбари Хуршида Раҳматуллаева. — Ташаббускор ёшларнинг лойиҳалари давлатимиз томонидан қўллаб- қувватланмоқда. Масалан, мен ўз лойиҳам билан «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» кўрик-танловининг мамлакат босқичида ғолиб чиқиб, имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини қўлга киритдим. 10 миллион сўм миқдоридаги ана шу сармоя ҳисобидан зардўзлик маҳсулотлари тайёрлашни йўлга қўйдик. Бу 5 нафар қизни доимий иш билан таъминлаш имконини берди.

Тадбирда 10 нафар ёш тадбиркор форумнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

**А.САТТОРОВ,**
**ЎзА мухбири**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши тўғрисида АХБОРОТ

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 23-моддаси, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 8, 10 ва 11-моддаларига мувофиқ, жорий йилнинг май-июн ойларида мамлакатимизда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2016 йил 8 июлдаги кенгайтирилган йиғилишида мазкур сайлов натижалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда Сенат Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси аъзолари, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссиялари раислари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг масъул ходимлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг ҳудудий бўлимлари раислари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда таъкидланганидек, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда талабчанликни кучайтириш мактабига айланди.

Бу галги фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнлари чуқурлашиб бораётган, сифат жиҳатидан янги ижтимоий-иқтисодий шароитда бўлиб ўтди. Мазкур сайловларда мамлакатимиз аҳолиси ушбу жараённинг мазмун-моҳиятини чуқур тушунишларини ҳамда ижтимоий фаоллигини кўрсатиб, ўз маҳалласи учун масъулиятини, жамиятимиздаги демократик ўзгаришларга дахлдорлигини яққол намойиш этди.

Сайловни юқори ташкилий савияда ташкил этиш ва ўтказиш, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талабларига мувофиқ фуқаролар йиғинларининг органларини шакллантиришда кенг иштирок этиш борасидаги фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини тўла-тўкис рўёбга чиқариш учун ташкилий-ҳуқуқий шароитларни таъминлаш мақсадида Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2016 йил 5 мартдаги қарори билан Сенат Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси тузилди, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир тадбирлар режаси тасдиқланди, унга мувофиқ аҳоли ўртасида соҳага оид қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, тушунтириш ҳамда тегишли ҳудудда доимий яшайдиган фуқароларнинг фикрларини ҳисобга олган ҳолда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига ташкилотчилик қобилиятига, давлат органларида ёки нодавлат нотижорат ташкилотларда ёхуд тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти соҳасида иш тажрибасига, шунингдек, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган энг муносиб фуқароларнинг сайланишини таъминлаш бўйича жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари сессияларида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил қилиш ва ўтказишга кўмаклашиш бўйича комиссиялар, 9764 та фуқаролар йиғинида ишчи гуруҳлар тузилди.

Олий Мажлис Сенати Кенгаши Комиссияси томонидан «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи ҳудудий, туман ва шаҳарлар комиссиялари ҳамда ишчи гуруҳлари аъзолари учун соҳага оид қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ҳамда сайловни ташкил қилиш ва ўтказиш тартибини тушунтириш бўйича 1600 та семинар ва давра суҳбатлари ўтказилди. Сайловни ташкил қилиш ва ўтказишда фуқаролар йиғинлари, кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳларга услубий ёрдам сифатида Сенат Кенгаши Комиссияси томонидан тегишли брошюралар, сайлов ҳужжатлари намуналари, методик тавсиялар тайёрланди ва тарқатилди. Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш фонди томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда жойларда маҳаллий оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган журналистлар учун ҳудудий семинар-тренинглар ўтказилди.

↘(2).



25 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги

## Изчил ислоҳотлар — тараққиёт гарови

*Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан олиб борилган изчил ислоҳотлар натижаси ўлароқ эришган ютуқларимиз фаровон ҳаётимиз гарови бўлди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Мамлакатимиз тараққиёти ҳақида гап кетаркан, унда кимё ва фармацевтика саноатининг ўрни беқиёс. Ушбу тармоқда рўй берган ўзгаришлар ҳамда унинг меҳнаткашлар ижтимоий ҳаётидаги ўрни борасида* ***Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Мавжуда Халилова*** *билан суҳбатлашдик.*

— Авваламбор, иқтисодий тараққиёт йўлимизни белгилаб берган «ўзбек модели»нинг ҳозирда халқаро доираларда ҳам кенг тан олинаётгани, намуна тарзида ўрганилаётганини ғурур билан эътироф этиб ўтишни истардим.

Айниқса, кейинги йилларда мамлакатимизда фан ва техника тараққиётига кенг йўл очиб берилгани, ишлаб чиқаришнинг узлуксиз такомиллашуви, инновацион технологияларнинг татбиқ этилаётгани тизим ривожини янги босқичга кўтармоқда. Мамлакатимизда кимё саноати истиқболига қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли мазкур тармоқ йилдан-йилга равнақ топиб, жаҳон кимё бозоридаги мавқеини тобора мустаҳкамлаяпти. Ўтган йилда «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти тизимида 1 триллион 797,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилгани фикримизга яққол мисол бўла олади.

↘(3).

Муносабат

**Менинг назаримда, одамзод бу дунёда учта умид билан яшайди: муносиб оила, ўзи хушлаган касб ва кўнгилнинг хотиржамлиги. Энди шу учовининг ҳам бир-бирига уйғунлашиб кетмоғи учун яна бир жиҳат — қўрғон керак. Бир қўрғонки, унинг паноҳида рўзғоринг дахлсиз, дастурхонинг тўкин, фарзанд-невараларинг соғ-бахтиёр бўлсин. Иш жойингда қадр-қимматинг, ўрнинг, меҳнатингга яраша мавқеинг сезилиб турсин. Унинг сарҳадлари узра қулоч ёйиб, эркин нафас олиб яшаш имкони ҳеч қачон сени тарк этмасин.**

## Ишончга муносиб бўламиз

**Истиқлол қуёши юртимиз узра нур соча бошлаганига яқинда чорак аср тўлади. Шу қисқа вақт ичида мамлакатимизда юз берган бемисл ўзгаришларни таърифлаш қийин.**

Ўзим 1990 йилда туғилганман. Ёш авлодга илм олиш учун яратилаётган шароитлардан унумли фойдаланиб, яхши ўқидим, илм олиш буюк неъмат эканлигига ишонч ҳосил қилдим.

2001 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофотига эришиб, Жаҳон иқтисодиёт ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейига ўқишга кирдим. 2006 — 2010 йилларда Низомий номидаги педагогика университетида таҳсил олдим...

Олий ўқув юртини тамомлаб, Шаҳрисабз тиббиёт коллежида иш бошладим. Ҳозир шу билим масканида тарих фанидан дарс бераман.

↘(2).

## Мамлакат ривожига ҳисса қўшиб

Шукрлар бўлсинки, теграм узра менинг ана шундай қўрғоним бор. Бу — истиқлол баҳридан яшнаб турган Ватаним, Ўзбекистоним!

Юртимизда мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиётимизни ривожлантириш, шаҳар ва қишлоқларимизда замонавий шарт-шароитлар яратиш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар билан танишиш мақсадида муҳтарам Президентимиз яқинда Термиз шаҳрида бўлиб, миллий ва замонавий меъморлик услублари асосида барпо этилган Хотира майдони билан танишди. Сўнгра, янгидан бунёд этилаётган муҳташам санъат саройи қурувчилари билан яқиндан суҳбатлашди. Президентимизнинг Термиз тумани «Янгиариқ пахтакори» фермер хўжалигига ташрифи ҳам ғоят самарали бўлди.

↘(2).



Кадрлар тайёрлаш миллий дастури — амалда

>> 2



Қишлоқларда барпо этилаётган шаҳарчалар

>> 4

Ishonch 2016-yil 9-iyul, shanba, № 81 (3742)

# Мамлакат ривожига ҳисса қўшиб





УзА суратлари

↖(1).

Ҳозиргидек эсимда. Мустақиллик эълон қилинганида катта-кичик, ҳар бир фуқаро бир қалқиб тушганди. Йўқ. Ҳадик, ишончсизлик, хавотир одамларимиздан бегона эди. Энди нима қиламиз? Қайси томонга қараб юрамиз, деган савол ва кучли иштиёқ бор эди. Ўз жамоамдан мисол олиб айтадиган бўлсам, мустақиллик барчани жипслаштирди. Қўлни-қўлга бериб ишлаш одатимизга айланди. Президентимиз юритган ва халқимизнинг азалий қадриятларига, ҳаммасидан ҳам кўра одамларнинг ҳақ-ҳуқуқи, ҳеч кимдан кам бўлмай яшашини таъминлашга қаратилган сиёсати бизга қувват бағишлади. Йўлларимизни ёритди.

Мустақиллик бунёдкорлик жабҳаларидаги умумий сафарбарлигимизни шакллантириш билан бирга, ҳар биримизнинг ўз имкониятимизни баҳолаш, шахсий масъулиятни қарор топтиришдек фазилатларга жон бахш қилди. Бугун шахс сифатида, фуқаро сифатида, инсон сифатида ўзинг ҳам мустақилсан. Мустақил бўлиб энди шунга яраша нима иш қилмоқчисан, деган мулоҳаза ҳар бир кишининг кўнглидан кечди. Шу тариқа Мустақиллик бизни, аввало, руҳан, маънавий-ахлоқий жиҳатдан чиниқтира борди.

Истиқлол менинг ҳаётимда ҳам бурилиш нуқтаси бўлди. Ўз касбимга, кундалик ишларимга муносабатим янгиланди. Ўз устимда ишладим. Уч-тўрт марта малака ошириш ўқувларига бордим. Ҳар бир куним, ҳар бир ишим учун ўзимга-ўзим ҳисоб беришга ўргандим. ЭЛБР-1 русумли темир йўл қурадиган йирик машинанинг ҳар бир мурватини кўнглимга жо қилдим.

Бугун ўз тақдиримдан ғоят мамнунман. Ахир мамлакатимизнинг энг катта Навоий-Учқудуқ-Султон Увайстоғ-Нукус, Тошғузор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўл қурилишларининг бошдан-оёқ иштирокчисиман. Илгари одамлар етти ухлаб тушига кирмайдиган жойлардан, баланд тоғлар ва тубсиз даралар оша темир йўллар қурдик. Элимизнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилишдек шарафли ишларни уддаладик. Жасоратимизни бутун жаҳон аҳли эътироф қилди. Темир йўл қуриш бўйича хориж давлатларидан бизга буюртмалар туша бошлади. Мустақиллик бизни жаҳонга танитди. Мустақиллик бизга эрк, бахт, беминнат ризқ-насиба, барқарор фаровонлик кафолати бўлди.

Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида одамлари бахтиёр мамлакат деб эътироф этилган жондан-да азиз Ўзбекистонимиз, Мустақиллигимиз руҳини юракка жо айлаб унинг янада равнақ топиши йўлида камарбаста эканлигимизни таъкидлаш менга завқ-шавқ бағишлайди.

**Юсуф ЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони,**
**166-йўл машина станцияси темир йўл қурилиш механизми машинисти**

# Ишончга муносиб бўламиз

↖(1).

Шогирдларим орасида иқтидорлилари жуда кўп. Улар ўзларига яратилаётган шароитдан, таълим соҳасидаги ислоҳотлардан мамнун. Айниқса, касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицейларнинг салоҳияти юксалтирилгани ёшларнинг ўрта маълумотгина эмас, балки касб-ҳунар ҳам эгаллаб катта ҳаётга дадил қадам қўяётгани, улар бандлиги таъминланаётгани қувончлидир.

Юртбошимизнинг Қашқадарё вилоятига ташрифлари чоғида юқоридаги фикрлар, ўз тақдиридан миннатдорлик ҳисси яна бир бор хаёлимдан ўтди. Ҳозир Қашқадарёнинг қайси бир тумани ёки шаҳрига борманг, улкан бунёдкорлик ишларидан, аҳоли, хусусан, биз ёшларга берилаётган имкониятлардан ҳайратга тушасиз. Бир-биридан гўзал таълим муассасалари, спорт иншоотлари, аҳоли дам олиш ва маданият даргоҳлари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари қурилдики, бу фақатгина олиб борилаётган доно сиёсат ҳамда миллат тарихи, бугуни ва эртаси йўлидаги ғамхўрлик ифодасидир.

Узоққа бормай, ўзим яшайдиган Шаҳрисабз тумани ҳақида гапирай. Сўнгги йилларда кўҳна Кешда улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари олиб борилиши натижасида шаҳар қайта туғилгандек тасаввур уйғотади кишида. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 февралда қабул қилинган «Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрида объектларни қуриш ва реконструкция қилишга доир комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ҳудудни архитектуравий режалаштириш, қиёфасини яхшилаш мақсадида 36 та объектда бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Оқсарой мажмуасини Дорут-тиловат ва Дорус-саодат мажмуалари билан бирлаштирувчи хиёбондаги бетон майдонлар ўрнида гулзорлар билан ўралган яшил ҳудуд барпо қилинди. Бу билан ўзига хос микроиқлим вужудга келтирилди.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, қадимдан Дорут-тиловат ва Дорус-саодат мажмуалари ўртасида иккита ҳовуз бўлган. Улардан бири «Ҳовузи Мардон» нафақат сув сақлаш иншооти вазифасини ўтаган, балки ўзига хос микроиқлим яратиб, тарихий иншоотларнинг устки қисмига иссиқдан шикаст етишининг олдини олган. Бугун у қайта тикланди ва ёнидаги сардоба атрофи ҳам ободонлаштирилди...

Шаҳримиздаги ўзгаришлар ҳақида, халқимиз обод ва фаровон турмуши тўғрисида гапирганимда, Президентимиз шаҳарларни обод қилиш осон, бироқ буни асраб-авайлаш, кўз қорачиғидек сақлаш муҳимлиги ҳақида ўта долзарб фикрларни ўртага ташладилар ва зарур тавсияларни бердилар. Юртбошимиз, шунингдек, ёшларга яратилган шароитлар ҳақидаги фикрларимга жавобан, ёшлар Ўзбекистоннинг таянчи, эртанги буюк келажакни қурадиган асосий куч эканлигини яна бир бор таъкидлади. Ҳозирги техника, ахборот тараққиёти асрида ёшларимиз онгли равишда ўзларига керакли, юрт ва эл манфаатлари учун хизмат қиладиган ахборотларни, маълумотларни олиши, кучини шу йўлда сарфлаши лозимлигига эътиборни қаратди. Бунда эса уларнинг ҳар томонлама комил ва онгли, ўз мустақил фикрига эга бўлиб камол топиши муҳим ўрин тутишига урғу бердилар. Бунда биз каби педагогларга, айниқса, оила чароғбонлари бўлмиш мунис аёлларга, оналарга, уларнинг берадиган тарбиясига кўп нарса боғлиқлиги айтиб ўтилди.

Юртбошимизнинг Қашқадарёнинг меҳридарё инсонлари ҳақида айтган фикрлари биз, воҳа аҳолиси қалбини ғурурга тўлдирди. Қўли қадоқ деҳқонлар, уста боғбонлар, пахтакорлар-у ғаллакорлар, нефт ва газ саноати, тиббиёт, илму-фан кишилари бу эътирофга жавобан янада зўр ғайрат билан ишлашга азму-қарор қилдилар.

**Шаҳноза ХОЛМАҲМАТОВА,**
**Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси,**
**Шаҳрисабз тиббиёт коллежи ўқитувчиси**

Матбуот анжумани

# Кадрлар тайёрлаш миллий дастури — амалда

**«Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мамлакатимизда малакали кадрлар тайёрлашнинг янги, бугунги кун талабларига тўла жавоб берадиган самарали миллий моделини яратишда муҳим омил бўлди. Бундан кўзланган асосий мақсад таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, ягона ўқув-илмий ишлаб чиқариш мажмуаси сифатида комплекс ривожлантиришдан иборатдир.**

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йилда имзоланган Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури босқичларини белгилаб берган 2107-сонли фармонига биноан олий тиббий маълумот халқаро стандартларга кўра, икки босқичли қилиб белгиланди. Таълимнинг биринчи босқичи — бакалавриатда ўқитишда барча тиббиёт олий ўқув юртлари, қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникаларда ишлаши мумкин бўлган умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш йўлга қўйилди. Бу мамлакатимиз аҳолисига юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш имконини берса, тиббий таълимнинг иккинчи босқичи — магистратурада қатор тор мутахассисликлар бўйича шифокорлар тайёрлашни назарда тутади. Бундай мутахассислар соғлиқни сақлаш тизимининг иккинчи ва ихтисослаштирилган бўғинлари, тиббий таълим ва илмий муассасаларда ишлаши мумкин.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан «Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига асосан тиббиёт кадрларини тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва мутахассисликка йўналтириш борасида олиб борилаётган ишлар, унинг натижалари ва самаралари» мавзуида ўтказилган анжуманда бу борада амалга оширилган ишлар ҳақида атрофлича фикр юритилди. Шунингдек, янги педагогик технологиялар ва инновацияларни жорий қилиш давом эттирилаётгани, ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда замонавий техник ўқитиш воситалари кенг қўлланилаётгани, мамлакатимизнинг етакчи олий ўқув юртларида клиник муаммоларни ҳал этишга асосланган модул таълимининг жорий этилгани, мазкур технология жаҳон тиббий таълим амалиётида истиқболли ҳисобланиб, мантиқан мустақил фикрлашни ривожлантиришга хизмат қилиши эътироф этилди.

Бугунги кунда олий маълумотли тиббий кадрлар ҳамда ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлаш мамлакатимиздаги мавжуд 14 та олий ўқув юртлари, 78 та тиббиёт коллежлари базасида амалга оширилмоқда. Узлуксиз таълимни таъминлаш мақсадида врачларга 288 соат, фармацевт ва ўрта тиббиёт ходимларига 144 соат ҳажмида ҳар 5 йилда малака ошириш мажбурий тартибда белгиланди. 2016 йилда 43 та докторлик диссертацияси ҳимоя қилинди.

Анжуманда журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

**Муқаддас РАЗЗАҚОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши тўғрисида АХБОРОТ

↖(1).

«Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»-ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг қоидаларини тушунтириш, шунингдек, сайлов жараёнларини самарали ташкил этиш масалалари бўйича марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида ҳамда интернет нашрларида 1880 та материаллар чоп этилди, 2014 та телекўрсатувлар, радиоларда 2500 дан ортиқ чиқишлар, 10 та ижтимоий ролик тайёрланди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари амалдаги қонунчиликка мувофиқ, сайловларни ташкил қилиш ва ўтказишга ҳар томонлама кўмак беришди, зарур ҳолларда бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланди.

Амалга оширилган ишлар аҳолининг сиёсий онгини юксалтиришда ва сайловларни ошкоралик, муқобиллик ва тенг сайлов ҳуқуқи тамойиллари асосида ўтказиш, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари этиб энг муносиб фуқароларнинг сайланишида муҳим рол ўйнади.

Умуман, сайлов жараёнларида 9764 нафар фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг 105 мингдан ортиқ маслаҳатчилари сайланди.

Янги сайланган раисларнинг 73,6 фоизи олий маълумотли, 82,4 фоизи давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар тизимида ва тадбиркорлик соҳасида бошқарув иш тажрибасига эга, 67 фоизи ушбу лавозимга биринчи марта сайланди. Раисларнинг 865 нафари аёллардир.

Шунингдек, сайланган фуқаролар йиғинлари раислари маслаҳатчиларининг 51,1 фоизи олий маълумотга эга бўлса, 25,4 фоизини аёллар ташкил қилади. Уларнинг 53,3 фоизи ушбу вазифага биринчи марта сайланди.

Сайлов натижалари таҳлили аҳолининг сайлов жараёнларида ижтимоий фаоллиги ошганлиги, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш, маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлигини ҳамда миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёшларни она Ватанга ва миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишларидаги ўрни ва аҳамияти долзарб аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди.

Масалани муҳокама қилиш чоғида йиғилиш қатнашчилари янги сайланган фуқаролар йиғини раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 июндаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори ижросига қаратилган ташкилий-амалий, маданий-маърифий, ахборот-тушунтириш тадбирлари дастурини, шунингдек, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлашда фаол иштирок этишлари муҳимлигини таъкидлади.

Шунингдек, Сенат Кенгаши сайлов натижалари бўйича фуқаролар йиғинлари органларини шакллантириш, шу жумладан, фуқаролар йиғинлари Кенгашларини, фаолиятнинг асосий йўналишлари бўйича комиссияларни ва тафтиш комиссияларини сайлаш, шунингдек, янги сайланган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари учун соҳага доир қонун ҳужжатларининг асосий қоидаларини тушунтириш бўйича ўқув семинарларини ташкил этиш ҳамда уларнинг малакасини ошириш масалаларига ҳам эътибор қаратди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Шу куннинг ўзида Миллий матбуот марказида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови якунларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати**

Танлов

# Навбат — республика босқичига

**«Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловининг Жиззах вилоят босқичи бўлиб ўтди. Мазкур тадбир ҳудуд ёшлари орасида иқтидор эгалари кўплигини яна бир карра тасдиқлади. Танловнинг қуйи босқичларида иштирок этган икки юзга яқин ёшларнинг саралари ҳудудий босқичда ғолиблик учун ўзаро беллашди.**

Натижага кўра, Жиззах политехника институти катта ўқитувчиси, техника фанлари номзоди Жамшид Абдуназаров «Энг фаол ёш олим», Жиззах шаҳар болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси Нурали Акромов «Энг фаол ёш спорт мураббийи», «Нурли дон» МЧЖ смена бошлиғи Ғайрат Шералиев «Энг фаол ёш озиқ-овқат саноати ходими», Марказий банк ҳудудий бошқармаси шўъба бош иқтисодчиси Шарофиддин Ҳасанов «Энг фаол ёш банк ходими», Жиззах политехника институти кафедра ассистенти Шароф Қаршибоев «Энг фаол ёш транспортчи» ҳамда Жиззах шаҳар кўп тармоқли поликлиникаси врач-эндикринологи Шаҳноза Иномова «Энг фаол ёш шифокор» дея эътироф этилди ва республика босқичига йўлланма олишди.

— Танлов иштирокчиларининг барчаси истеъдодли. Масалан, Жиззах политехника институти вакили Жамшид Абдуназаровни олайлик, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси етакчи мутахассиси Дурбек Мирзаев. — У техника соҳасида илмий изланишлар олиб бориб, ўтган йил Москва автомобил йўллари давлат университетида илмий ишини ҳимоя қилди ва «Техника фанлари номзоди» илмий даражасини олди. Ўттизга яқин илмий мақолалари эълон қилинган. Жамшид жорий йилда ўтган ёш олимлар ва талабаларнинг «XXI аср — интеллектуал авлод асри» ҳудудий илмий-амалий конференциясида ўз маърузаси билан қатнашди. Бундай ёшлар билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Танлов ғолиб ва совриндорлари ташкилотчилар томонидан диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

**Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» кўрик-танловининг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди. Унда Термиз шаҳри ва туман босқичларида ғолиб бўлган етук ёш мутахассислар иштирок этди.**

Натижаларга кўра, АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» ходими Шавкатулло Бердиев «Энг фаол ёш банк ходими», Денов туманидаги «Сурхонозиқовқатсаноати» ОАЖ меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси муҳандиси Баҳром Норқобилов «Энг фаол ёш озиқ-овқат саноати ходими», Термиз туман тиббиёт бирлашмаси туғруқ комплекси врач акушер-гинекологи Феруза Мустакова «Энг фаол ёш шифокор», Шеробод тумани БЎСМнинг кураш бўйича мураббийи Малоҳат Чориева «Энг фаол ёш спорт мураббийи», Термиз давлат университети ўқитувчиси Нафосат Қурбонова «Энг фаол ёш олим», Қумқўрғон транссервис шаҳарлараро юк ва йўловчилар ташиш хусусий корхонаси ҳайдовчиси Сирожиддин Эгамбердиев «Энг фаол ёш транспортчи» дея эътироф этилди.

Шунингдек, корхона, ташкилотлар ишчи ҳамда касб-ҳунар коллежларининг битирувчилари ўртасида «Энг яхши ишчи касб эгаси» танловининг вилоят босқичи ғолиблари ҳам аниқланди.

Унда «Қишлоқ хўжалиги машина ва жиҳозларига хизмат кўрсатиш механиги» йўналишида Денов тумани «Ҳазорбоғ» қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи битирувчиси Ш.Маматов, «Қурилиш-пардоз ишлари устаси» йўналишида Қизириқ қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежи ўқувчиси У.Ҳайдаров, «Умумқурилиш ишлари устаси» йўналишида Термиз архитектура ва қурилиш касб-ҳунар коллежи ўқувчиси О.Содиқов, «Тикув ва тикув-буюмлари ишлаб чиқариш техник-технологи» йўналишида Қумқўрғон енгил саноат касб-ҳунар коллежи битирувчиси М.Эшдавлатова, «Ошпаз» йўналишида Термиз туризм ва меҳмонхоналар хўжалиги касб-ҳунар коллежи битирувчиси М.Давронова, «Сартарошлик ва декоратив косметика устаси» йўналишида Денов хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи битирувчиси М.Раҳматуллина ғолибликни қўлга киритишди.

Ҳар икки танлов бўйича ғолиб бўлганлар ташкилотчиларнинг диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Рустам ДАВЛАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

